

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 19 май куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тезисларининг лойиҳасини кўриб чиқиб, маъқуллади. Тезисларни кўриб чиқиш учун КПСС Марказий Комитетининг

Пленумини чақириш ва кейин шу тезисларни коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг кенг муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Германия социал-демократик партияси раиси Г. Й. Фогель билан учрашуви якун-

ларини маъқуллади. Бу учрашува СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, Умумевропа ҳамкорлиги йўлидан ҳаракат қилиб бориш манфаатларини кўзлаб, иккала партия ўртасидаги баҳамжнхат ҳаракатни тобора кучайтириш нуқтан назаридан муҳим аҳа-

миятга эга бўлганлиги қайд этиб ўтилди. Учрашува ҳозирги шaroитда коммунистлар билан социал-демократлар ўртасида замонавий тараққиёт ва ядросиз, зўравонликсиз дунёни барпо этиш истикболларига доир масалалар юзасидан мулоқот олиб бориш зарурлиги ҳамда унинг фойдали эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

М. С. Горбачевнинг Таиланд бош министри П. Тинсуланон билан ўтказган суҳбати ҳамда Н. И. Рижков ва Э. А. Шеварднадзе у билан олиб борган музокараларнинг натижа-

ри кўриб чиқилиб, маъқулланди. Бўлиб ўтган амалий фикрлашувлар, Совет Иттифоқининг Осиё — Тинч океан региониде тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳамда можаролари вазиятларга барҳам беришга қаратилган принципиал сиёсатини назарде тутганда Таиланд билан, шунингдек Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмасидаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларни активлаштириш вазифасига мувофиқ эканлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 99 (9345). • 1988 йил 21 май • Баҳоси 3 тийин.



ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТ ЖАНГЧИЛАР ВАТАНИГА
ҚАЙТМОҚДАЛАР

ОНА ҚУЧОҒИДА

Муҳаммадали Деҳқоналиев ўз интернационал бурчини Афғонистон Республикасида ўтаб қайтди. Армияга чақирилгунга қадар Тошкент соғлаш бошқармасида ишлаб, электромеханика техникумида сиртдан ўқирди. Солдатлик йилларида эса ўзининг тиришқоқлиги ва эътиллги билан ажралиб турди. Қўли на жангларда, жанглар оёрациялар ҳамда разведка-

ларда қатнашиб, ўртоқлари ва командирлари ишончини оқлади. Шунинг учун қисмда уни ҳамма севарди ва ҳурмат қиларди. Қўрсатган жасоратлари учун «СССР Қурулди кучларининг 70 йиллиги» юбилей медали билан тақдирланган.

Афғонистонда ўтган давр мобайнида, — деди у, — тинчлик ва эрк инсон учун сув ва ҳаводек танқис-

лигининг гувоҳи бўлдим. — Айниқса, бу ердаги оғир аҳвол, тўкидаётган қонлар ва етим-есир болаларни қўрган-да осуда Ватанимизнинг қадрини янада кўпроқ ҳис этардим. Бўш қолган пайтларимда ўртоқларим билан Ватан ҳақида қўшиқ ва шеърларни айтардик. Бирдан-бир орзуимиз хизматини аъло даражада бажариб, тугилиб ўсган юртга эсон-омон қайтиб келиш эди.

У орзусига эришди. Сурабди: М. Деҳқоналиев оғла даврасида

А. Зўфаров фотоси.

Ҳалок бўлганлар хотирасига

Афғонистондаги чекланган совет қўшинлари ҳарбий бўлинмаларининг дастлабки колонналари Ватанига жўнаб кетган кунда агросаноат банки Янгйбозор бўлимида интернационал бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган янгитларга ёдгорлик ўрнатиш учун 70002 счёти очилди. Коммунистик район ижроия комитетининг қарорига биноан бу ёдгорлик Янгйбозор посёлкасидаги А. С. Пушкин номи маданият ва истироҳат боғида бунёд этилади. Ёдгорлик бизга дўст халққа ёрдам бериш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган жасур юртдошларимизга ҳурмат ифодаси бўлади.

«Интернационализм буюк иш учун бўлган жангларда ўз ҳаётини қурбон қилган кишиларнинг номи ҳалқимиз хотирасида абадий сақланиб қолади» — счётга биринчи бўлиб пул ўтказган район электр тармоғининг комсомоллари ёдгорликка ана шу сўзларни ёзиб қўйишни илтимос қилишди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

(Давом. Боши 1-бетда).

Эришилган ахдлашулар ҳам- жикатлиги ва ишонч руҳида Совет Иттифоқи билан Таиланд ўртасидаги самарали алоқаларни кенгайтириш ҳамда муносабатларни муттасил ри- вожлантириш ишида бундан буёнги қадамлар учун қўлай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Мажлисда А. А. Громиконинг Руминия Социалистик Респу- бликасига расмий-дўстона ви- зити якунлари маъқулланиди, Н. Чаушеску ҳамда Руминия-

нинг бошқа раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашу ва суҳбатлар Совет Иттифоқи билан қардош Руминия ўртаси- даги дўстлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничиликдан иборат анъанавий муносабатларни мустаҳкамлаш йўлига мос бўлиб тушади. Совет — Ру- миния ҳамкорлигини «партия ва давлат йўли билан ҳам, жамоатчилик алоқалари йўли билан ҳам анча юқори поғо- нага кўтариш СССР билан Ру- миниянинг манфаатларига, тинчлик ва социализмни мус-

таҳкамлаш ишига мувофиқ келиши қайд этиб ўтилди. Ик- тисодий ҳамкорлигини ривож- лантиришга, жумладан ишлаб чиқаришнинг ихтисослаш ва ко- операциялашни янада чуқур- лаштиришга, қўшма корхона- лар барпо этишга, меҳнат кол- лективлари йўли билан алоқа- ларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди.

Э. А. Шеварднадзеининг АҚШ давлат секретари Ж. Шульц билан Женевада олиб бор- ган музокараларнинг якун- лари тўғрисидаги ахборот

тингланди. Москвада 29 май- дан 2 июнгача ўтказиладиган олий даражадаги учрашуга тайёргарликни, шунингдек СССР билан АҚШ ўртасидаги амалий битимлар устидаги иш қандай бораётганилигини кў- риш чикшиши назарда ту- тганда, мазкур учрашув ол- дидан министрлар олиб бор- ган музокаралар шу давраси- нинг аҳамияти қайд этиб ўтил- ди.

Москвада олий даражада ўт- казиладиган учрашув Женева- даги, Рейкьявик ва Вашинг- тондаги учрашуларда белги- ланган йўлдан янада олға бо- ришга олиб келиши, Совет— Америка муносабатларини муттасил ривожлантириш жа- раёнларига қўшимча омил ба- гишлаши мумкинлиги таъкид- ланди. Совет томонининг бў-

лажак учрашув стратегик ҳу- жум қуроллари ҳамда раке- тадан мудофаага доир аҳд- номалар комплексини тайёр- лаш йўлида муҳим босқич бў- либ қолиши учун барча зарур ишларни қилиш ниятида экан- лиги таъкидланди. Шу билан бирга келишиб олинган мақ- садларга эришиш Америка то- монининг ҳам бунга тегишли даражадаги тайёргарлигини та- қозо қилиши ўқитиб ўтилди.

Д. Т. Язовнинг Германия Демократик Республикасида қилган расмий-дўстона ви- зити якунлари тўғрисидаги ах- борот кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси- да партия ва давлат турму- шининг бошқа баъзи масала- лари юзасидан ҳам қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

18 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко- митети бюросининг мажлиси бўлди. КПСС Марказий Ко- митетининг «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркменистон ССРда агро- саноат комплексининг та- бийий-иқтисодий потен- циалидан қониқарсиз фой- даланилаётганлиги тўғри- сида»ги қарорининг бажари- лиши юзасидан «Главсред- азирсовхозстрой» иши тў- рисидаги масала кўриб чи- қилди.

«Главсредазирсовхозстрой» сугориладиган майдонларни реконструкция қилишга аж- ратилган капитал маб- лағлар структурасини қайта қўриб чиққанлиги таъкид- ланди. Натижада ўтган йили янги ерларни ўзлаштириш ик- ки баравардан кўпроқ ка- майди, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга оид ишлар 1,7 баравар кўпайди.

Айни вақтда «Главсред- азирсовхозстрой» қўриқ ер- лардаги мавжуд ишлаб чи- қариш-иқтисодий потенциал- дан фойдаланиш самаралор- ларини ошириш юзасидан кўраётган тадбирлар ниҳоят- да етарли эмас, пировард

натияжалар паст. Умуман қў- риқ зонадаги деҳқончилик ва чорвачилик норентабел бў- либ қолмоқда.

«Главсредазирсовхозстрой» раҳбарияти чуқуқларлар- нинг социал таъминоти ма- салаларига, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларида оқилона фойдаланиш масалаларига юзаси қарамқоқда. Қўриқдаги посёлкаларни обodonлашти- ришга ажратилган маб- лағлар ўзлаштирилмапти, соғлиқни сақлаш ва мада- ният объектлари суст қу- рилмоқда.

Қўриқдаги ҳўжаликлар- ни кадрлар билан мустаҳ- камлаш хануз ўткир муаммо бўлиб турибди, кўнимсизлик кўп, бошқа областлардан кў- чиб келаётган кишиларга зарур шарт-шароит яратил- мапти. Пудрат ва ҳўжалик- ҳисоби кам самара билан жорий этилмоқда. Меҳнатни ташиқл этишнинг ана шу формаларига ўтган коллек- тивларни аниқ-пухта рўйхат- га олиш йўлга қўйилмаган. Бу коллективларда янгица ишлашдан ҳар бир ки- шининг манфаатдор бўлиши учун шарт-шароит яратил-

маган. «Главсредазирсов- хозстрой» партия комитети раҳбарларига нисбатан зарур талабчанлик қилинмапти.

Марказий Комитет бю- роси «Главсредазирсовхоз- строй»нинг КПСС Марказий Комитети қарорини бажариш соҳасидаги ишнинг етарли эмас, деб топди. «Главсред- азирсовхозстрой» (ўртоқ Э. Турсунов) коллегияси ва партия комитети (ўртоқ В. Муталипов) территориал бошқармалар, бирлашма- лар ишнинг қайта қўришда, сугориладиган ерлардан са- марали фойдаланишни таъ- минлашга уларнинг қуч-ғай- ратини сафарбар этишда сусткашлик қилмоқдалар. Мазкур масала юзасидан қа- бул қилинган қарор- да «Главсредазирсовхоз- строй»нинг ишлаб чиқариш- иқтисодий потенциалдан са- марали фойдаланишни кучай- тиришга оид фаолиятининг конкрет йўналишлари бел- гиланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси- нинг мажлисида бошқа бир қанча масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан те- гишли қарорлар қабул қи- линди.

РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИ ҲАЁТИДАН

ХАЙРЛИ ИШГА БОШ БЎЛДИ

«Коммунизм тоғи» газетаси хайрли ишга бош бўлди. Ор- жоникдзе районидан Ватан ҳимоясига отланган ва аёвсиз жангларда қаҳрамонларча ҳа- лок бўлган асл ўғлонлар хоти- расига ёдгорлик қўриш таша- ббуси билан чиқди.

Газетхон Ф. Зокиров макту- бида Улуғ Ватан уруши йилла- рида ҳалок бўлган марҳумлар хотирасини абадийлаштириш- га эътибор берилмаётганлиги, зиваратхў жойининг йўқлиги ҳа- қида куйинчқилик билан ёзган эди. Мактуб эълон қилинган, хатлар оқими яна кўпайди. Ахир, 12 минг оржоникдзе- лик жангга отланиб, уларнинг саккиз мингга ўз она кишло- вига қайтмаган эди. Лекин улар хотирасига ҳанузгача ёдгорлик ўрнатилмай келинмади.

Газета Қўриб давлат банки- да ёдгорлик қўриш учун маб- лағ тўпладиган махсус сўёт очкичининг ташкилотчили ва та- шаббускори бўлди. Редакция Буюк Ғалабанинг 43 йиллиги арафасида энг яхши футбол коллективлари учун махсус соврин таъсис этди. Мусобақа- да иштирок этиш истагини бил- дирган коллективлар аниқлан-

ди. Газета соврини учун ўтка- зилган мусобақа босқичлари- дан сўнг «Қўриқ Ўзбекистон» колхоз ва район матлубот жа- миятининг «Кооператор» фут- бол командалари финалга йў- ланма олдилар. Финал мусо- бақаси Қўрибдаги республика ўқув-масҳ марказий стадиони- да ўтказилди. Стадионга беш мингдан ортқ томошабин йи- қилган эди. Улар финал ғоли- би бўлган колхоз командасини кўтладилар.

Шу кун 6734 сўмлик спорт- буюм лотереяси уйналди. Лотереядан тушган 3782 сўм Қўриб марказида бунёд эти- ладиган ёдгорлик монументи қўрилиши учун оцилган махсус сўмга ўтказилди.

Редакция Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги нишонланадиган кунларда очиладиган моню- мент учун маблаг тўплашни бошлаб берди. Бу хайрли та- шаббус район партия комите- ти ва район ижроия комитети томонидан қизгин маъқуллан- ди. Монумент қўрилиши учун ҳар бир коллектив ва ҳар бир ҳақиқилоқ ўз ҳиссасини қў- шиши мумкин.

ЎРТА ОСИЁ МАГИСТРАЛИ ЮЗ ЁШДА

Ўрта Осие темир йўли бар- ча бўлимларининг ахилла- ри, транспорт ветеранлари ва илгирлари 20 май кун Ға- талининг юз йиллик юбилейига бағишланиб Тошкентда ўтқа- зилган тантанали маросимга йиғилдилар.

Байрам пойтахтдаги мар- казий вокзал перрониде бош- ланди. Бу ерда эски ва энг янги локомотивлар қўйилган эди. Шундан кейин байрам тантанаси темирйўлчилар ма- даният саройида давом этди.

Байрамона кийинган темир- йўлчилар кенг фойега тўплан- дилар. Уларнинг кўксиде уруш йилларидаги жанговар хизмат- лари, тинч даврдаги шавакатли меҳнати учун берилган орден ва медаллар ариқиб турибди. Бу ерда «Бир асрлик йўл» мавзуда кўргазма очилди. Стендлардаги фотосуратлар ва ҳужжатларда магистралнинг қандай қўрилганлиги, 1888 йил- да Самарқандга биринчи па- ровоз — «оташ арава»нинг ке- лиши акс этган.

Аср охирида темир йўл Тошкент ва Фарғонага ҳам етиб келди. Темирйўлчилар ўл- кадаги саноат пролетариати- нинг дастлабки отряди бўлиш- ди, улар революцион ҳаракат-

га бошчилиқ қилишди, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш- да фаол иштирок этишди.

Ўрта Осие республикалари ишлаб чиқариш кучларининг тез равнақи билан биргаликда темир йўл қудрати ҳам ортиб борди. Корта-схемага назар ташлаб, деярли 7 минг кило- метрлик магистрални кузатиш мумкин. Темирйўл шоҳобча- лари ғарбдаги Краснодарскдан, шарқдаги Андижон ва Ўш, ши- молдаги Бейнов ва жанубдаги Қўшқа ва Душанбега қадар тортилган.

Самарқанд вагон депоси- нинг ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамат Ус- монов билан танишдик.

50 йилдан буён темир йўлда ишлайман,— деди Мамат ака. 1938 йилда болалар уйдан ке- йин депога слесарга шогирд бўлиб ишга кирдим. Шу кор- хонадан фронтга жўнадим, уруш тугагач, яна қайтиб кел- дим. Сўнгги йилларда кўп на- рсалар ўзгарди кетди. Масалан, Самарқандда замонавий уску- на билан жиҳозланган янги ва- гон депоси қўрилди.

Шу кун Тошкентда Ўрта Осие темир йўлининг 100 йил- лигига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон Ком-

партияси Марказий Комитети- нинг биринчи секретари Р. Н. Нишонов очди.

Ўрта Осие темир йўлининг бошлиғи Н. А. Белогузов док- лад қилди.

Транспорт тармоғи, деб таъ- кидланди мажлисда, неча юз- лаб кишлоқ ҳўжалик ва сано- ат корхоналарини қамраб ол- ган қудратли халқ ҳўжалик комплексини бунёд этишга ёр- дам берди. Эндикликда темир йўлда ҳар уч кунда қарийб 1 миллион тонна халқ ҳўжалиги юклари, ҳар кун 100 минг йўловчи ташилмоқда. Ўрта Осие темирйўлининг коллек- ти мамлакатда биринчилар қатори белоруссияликларнинг илгир усулини жорий этди. 1988 йилнинг 1 январидан бо- слаб темир йўл ҳўжалик ҳис- обага ўтди. Бу ерда илм-фан ва техника ютуқлари фаоллик бил- лан жорий этилмоқда.

Мажлисда темир йўллар ми- нистри Н. С. Конарев нутқ сўзлади.

Тантанали мажлисда Ўзе- бкистон ССР Министрлар Со- ветининг Раиси Ф. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Мар- казий Комитетининг секретари В. Н. Лобко, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков, Тошкент шаҳар партия коми- тетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, СССР темир йўл транспорти ва транспорт қу- рилиши ходимлари қасаба союзи Марказий Комитетининг раиси И. А. Шинкевич қатнаш- дилар.

[ЎЗАҒ мухбири].

СССР—ХХР

САВДО—СОТИҚ МИҚЁСИ КЕНГАЙМОҚДА

Бутуниттифок «Востокинторг» бирлашмаси билан Хитой Халқ Республикаси Синьцзян — уйғур автоном райони (СУАР) импорт-экспорт компанияси Тошкентда уюштирган моллар виставкаси ўнлаб, шартномалар тузиш билан тугади.

Хитой компанияси Ўрта Осие республикалари, Қозоғистон ва РСФСРнинг бир қанча областлари кооператорларига ҳамда давлат савдоси ташкилотларига СССР билан чегара ёқаси савдо-сотиги доирасида айирбошлаш учун тўрт минг хилдан кўп товар — енгил саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат, электрон-техника, бинокорлик материаллари тақлиф қилди. Совет иттифоқилик ҳарифлар эса булар аэзизга пўлат про- кати, минерал ўғит, тўқува дастгоҳлари ва бошқа хил моллар беради. Булар орасида машҳур хонатлас ҳам бор.

— Виставканинг амалий натижаларидан мамнунмиз ва «Востокинторг» орқали савдо-сотикни кенгайтириб бориш ниятидамыз,— деди Хитой делегациясининг раҳбари, СУАР халқ ҳукумати бош секретарининг ўринбосари Бай Пинжи.— Виставка ташкилотчилари — Ўзбекирлашува ходимлари иш программаси тигизилигига қарамай, бизни Ўзбекистон эриш- ган ютуқлар билан, қадимий Самарқанд ва Тошкентнинг за- монавий архитектураи билан таништириб чиқиш учун вақт топа билдилар. Делегациямиз Ғалаба байрами кун Ға- талида ўтказилган тантаналарда қатнашди. Совет итти- фоқилик ўртоқларини бизга виставка келтиришларини кута- миз, орадан бир йил ўтгач, биз яна Совет Иттифоқиға келе- миз. Савдо-сотикнинг ривожланиши халқлариниз ўртасида дўстона муносабатларни яхшилашга кўмак беради.

[ЎЗАҒ мухбири].



Бўлажак коммунистлар мактаби

ТАНЛАБ ОЛИНДИ

ҲОЗИР Фрунзе районидан 194 та бошланғич комсомол ташкилоти фаолият кўрсатаётган. Бўлажак коммунистлар мактабига ана шу ташкилотларга аъзо бўлган энг актив ёшлардан 20 нафари танлаб олинди.

Мактаб тингловчиларининг аксарияти комсомол ишида ишлаб маълум тажриба орттирган. «ЦНИИХпром» инженери Баҳодир Азиев, 16-хунар-техника билим юрти ўқувчиси Дмитрий Зайнуллин, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти механик-технология факультети студенти Хуррият Иноғомова ва бошқалар ҳозир бошланғич комсомол ташкилоти секретари сифатида ҳам муҳим

топшириқни бажармоқдалар. Ташкилотчилик ва сиёсий ишлар олиб боришга лавқатли ёшларни партия сафларига тайёрлаш мақсадида район комсомол комитети ҳузурида ташкил этилган бўлажак коммунистлар мактабига дастлабки машғулотлар бўлиб ўтди. Уларнинг бирини район партия комитети ташкилий бўлими мудири А. Усмонов ўтказди. У ёш тингловчиларга дохил миз В. И. Ленин томонидан янги типдаги партия қандай ташкил этилганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Мактаб программаси бир йилга мўлжалланган. Тингловчилар йил давомида партия тарихи, КПСС Устави ва Программаси, партия XXVII

съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумлари материалларини чуқур ўрганиб борадилар. Амалий машғулотлар эса йирик саноат корхоналарида, илғор комсомол ташкилотларида ўтказилади. Машғулотларни олиб боришга район партия комитети, район комсомол комитети аппаратларининг ходимлари, «Билим» жамияти аъзолари жалб этилган.

Тингловчиларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш мақсадида ҳар бир тема бўйича заҳётлар қабул қилинади. Уқув давомида билимларни яхши ўзлаштирган ёшлар КПСС аъзолигига кандидатликка тавсия этилади. Бундай талабчанлик партия сафларини муносиб кишилар ҳисобига тўлдириб бориш имконини беради.

Д. НАСРИДИНОВ.



«КОРВЕТ» ЎРНАТИЛДИ

Пойтахтимизнинг Октябр районидаги А. Навоий номидаги 40-ўрта мактабда «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» предмети ихтисослашган дисплей синфига ўрнатилган бўлди. Бу ердаги дарсхоналардан бири ремонт қилиниб, 12 ўқувчи ва бир ўқитувчига мўлжалланган «Корвет» типдаги компьютер ўрнатилди. Тажрибали педагог Турғун Азларов оқори синф ўқувчилари билан машғулотлар олиб бормоқда.

Ўқувчилар компьютер ёрдамида программалаштириш асослари ва машина тузилишини ўргана бошладилар.

Б. КАРИМОВ.

✦ Светлана Андросенко республика Модалар уйининг тикувчи-мотористхаси. Илғор ишчи смена топшириқларини 150 процентдан ошириб бажаряпти. Комсомол қиз касабаси сифатида жамоат ишларида ҳам ташаббускор. СУРАТДА. С. Андросенко иш устида. Х. Мирзакаримов фотоси.



Милициядан факультетга телефон қилиб қолишди. — Алло!.. Мансурова сизларда ўқийдими? Яхши, Булмаси эшитинг!..

Галин эшитиб факультетдагиларнинг фони. Фалакча чикди. Наҳотки қўй оғзидан чўп олмagan, муснадаги беозор Мансурова келиб-келиб ўзи яшаб турган хонадонга ҳўнат қилса, 3 минг сўм пул билан шунча буюм унга нима учун керак бўлиб қолди экан?

Кейинги пайтда М. Мансураванинг қадам олиши ўзгариб қолган эди. Дарсларга кўнгли тусаса келиб тусамас келмасди. Батзан ойлаб йўқ бўлиб кетар эди. Ҳеч ким уни дурустроқ тер

ГИНАСИ ЎЗИДАН

гамади. Мана оқибати, ўғирлик қилиб қўлга тушибди. Унга ҳеч ким ачинадми. Чунки, илгари дугоналарини ҳам кўп марта доғда қолдирган, алдаб чув туширган эди. Энди жазосини тортаверсин.

Биз унинг ҳулқини бир марта буюр мажлисида муҳокама қилиб ҳайфсан берган эдик, — дейди филология факультети комсомолларининг етакчиси Д. Холдоров. — Яна тақдорласанг ўқинишдан ҳайдаймиз, деб қўриқдик, Лекин кейинчалик

уни эътибордан четда қолдирибмиз. Мана энди ҳам-мамининг юзимизни ерга қаратди.

«Юзини ерга қаратганлар» ичидан ТошДУ журналистика факультетининг талабаси М. Исроилова, Д. Йўлдошева, Ю. Шоғуломова, математика факультетидан Б. Тожиёв, Т. Абдурахмонов, А. Нурматова, геология ва география факультетларидан Х. Мусахонов, Б. Қосимов, И. Абурина, В. Рубцова, И. Сиверстова, физика факультетидан Н. Ҳайдаров ва А.

Калимуллиналар ҳам бор. Кимларнингдир «сирли туртки»си билан олий ўқув юртига кириб қолган бу кимсалар ҳам турли хил қилгиликлари учун аввал кўп марта оғоҳлантирилган, ҳайфсанлар берилган, охири тузалмагач университетдан ҳайдалган эди.

Қизиқ бир савол туғилади. Қўрилаётган чоралар ва ҳайфсанларнинг таъсири нега сезилмайпти? Наҳотки, улар шунчалик тузалмайди-кан касалликча чалинган бўлишса. Балки студентлар орасида олиб борилаётган сиёсий ва тарбиявий ишлар савияси пастдир, бу соҳа ҳам қайта қуришга муҳтождир? М. МАВЛОНОВ.

Мен илгарилари Тошкентни умуман бошқача тасаввур қилар эдим. Бу ерга келиб бир неча ой ўқиганимдан кейин шаҳар ва унинг одамлари ҳақида бутунлай бошқача тушунича ҳосил бўлди. Қисқа вақт ичидида ҳар хил воқеа, ҳодисаларнинг гувоҳи, ҳатто иштирокчиси ҳам бўлиб кўп изтироб чекдим. «Нима учун одамлар бунчалар эътиборсиз, бунчалик лоқайд бўлмасалар» деб ўз-ўзимга савол бера бошладим ва унга жавоб изладим....

Студентлар шаҳарчасига қатновчи троллейбусдамиз. Дерезадан ташқарига қараганда ҳаёл суриб борапман. Енимда ёши элликлардан ошган аёл мудраб ўтирибди. Одам кўп. Ҳамма ўзи билан ўзи овера. Бир пайт енимдаги аёл атрофга алаңлаб «ой, пулим», «пулимни ўғирлашди» деб қолди. Сал нарироқда турган ҳабаш йигит кўзлари бежор икки ўспиринга қараб, «дарҳол аёлнинг ҳаменини қайтариб бериңлар!» деди. Аёлнинг пулини ҳозиргина енимизда кетаятган ўша ўспиринлар олган, бунга кўпчилик сезмаган экан. Ҳабаш йигитнинг гапидан кейин ўспиринларнинг бири қўлидаги ҳаменини олдин ўринида қўйиб турган рус қизининг оёғи остига ташлади. Қиз бунга сезиб дарҳол ҳаменини қўлига олдида аёлга узатди ва:

— Уят, деган нарсаси борми ўзи сизларда. Оналариң тенги аёлни шиласизларми? Иккаланг ҳам тоғни урса талқон қилади. ган йигит экансан, ишласанглар бўлмайди, — дея танбех бергандек бўлди.

Шунда чўнтаккесарларнинг бири қизга яқинлашди-да:

— Пул керакми сенга, — деб чўнтагидан бир сиким ёғимланган пулни мушига қисиб қизнинг тумшугига тиради.

Чўнтаккесарлар аламларига чидалмай қизни шундай ёмон сўзлар билан ҳақоратлардики, асти қўяверинг. Қуллоқларини маҳкам беркитиб олдим. Шунда орқароқда турган боғи ҳабаш йигит чўнтаккесарларга яқинлашди:

— Қиздан кечирим сўранглар, нега уни шунча одам ичидида ҳақорат қиласизлар. Кўрққан олдин мушт кўтарарми! — деди.

Чўнтаккесарлар энди ҳабаш йигитга ёпишиб кетишди.

Троллейбусдагилар бу воқеани томошабиндек кузатиб турар эдилар. Лекин уларнинг бирортаси ҳам юрак ютиб ўспиринларга гапиршига ботинолмасди. Бунга қараб рус қизиз чидаб туролмади.

— Одамлар, нега томошабин бўлиб турибсизлар? Наҳотки шунча йигит, шунча эркек бўла туриб шу икки такасалтаннинг танобини тортиб қўя олмасангиз! — деди у йилғаб.

Барибир ҳеч кимдан нидо чиқмади. Ўспиринлар наватдаги бекатда тушиб қолишди.

Ҳеч ким уларга индамади. Балки улар ҳозир яна кимингдир кўнглига озор еткази, шайтандир. Балки яна одам

лар бунга кўриб кўрмасликка олишайтандир? Лоқайдлик балосидан қачон қутуламиз?

...Яна ўша гавжум кўча. Автотубсда кетаяпман. Дерезадан атрофни кузатаман. Кўзимга таниш дарахт кўринди. Шу дарахтга қарайман, эзилган. Бундан бир ой илгари худди мана шу дарахт тағида бир инсон ҳўётдан кўз юмган эди.

Қизлар билан одатдагидек дарсдан қайтаётган эдик. Бир пайт йўл бўйида бир кишини уч барзанги калтаклаётганига кўзим тушди. Атрофда одамлар кўп. Лекин ҳеч ким бунга эътибор бермасди. Кўрганлар ҳам ўзларини кўрмеганиликка олиб, нарироқдан ўтиб кетишарди. Узоқдан милиционернинг хуштаги эшитилганидан кейингина безорилар жуфтанин ростлаб қолишди. Калтакланган одам ҳамон ўша жойда ётарди. У деярли қимирламас эди.

Эртаси кўни ўша ерда яшовчи дугонамдан эшитдик. Касалхонада вафот этибди. Тўрт фарзанд етим қолди. Бунга ким айбдор? Узини эмасми! Агар биз лоқайдлик ва берафқлик қилмаганимизда болалар етим қолмас эди....

Яна ўша студентлар шаҳарчасидамиз. Эзиб ёғир ёғаяпти. Бозорчада одам кўп. Ҳамма ул-бул харид қияпти. Лекин магазинда нон қолмабди. Унинг олдида 15—16 ёшлар чамасиди бола аравадада оби нон сотаяпти. Етоқхонадан чиққан студентлар аравачини ўраб олишган. Бир пайт бола ёнида милиционер пайдо бўлди. У аравачини силтаб болага ўдагайлади:

— Йўқол кўзимдан, йиғиштир нонингни, ҳозир лойга улоқтираман.

Бола нонларини йиғиштирмоқчи бўлди. Студентлар яна уни ўраб олишди.

— Мен сенга нима дедим? Мана бўлмаса, — милиционер аравачадаги нонларни ерга улоқтира бошлади.

Ҳамма турган жойида қотиб қолди.

— Амаки, ахир бу нон-ку! — деди бола ердаги нонларни йиғиб.

Ҳамма шу тоғда милиционерни ёмон кўриб кетди. Тўғри-да. Узингиз ўйлаб кўринг. Унинг вазифаси бозорда тартиб сақлаш, чайковчиларнинг пайини қирқиш эмасми. Нега энди нонларни улоқтиради? Ахир нондан азиз неъмат борми оламда? Лекин милиционернинг бу ноҳўя иши учун ҳеч ким танбех бермади.

Тошкент — асим шаҳар. Унинг қанча-қанча массивлари, кўчалари бор. Мен сизларга ҳикоя қилган уч воқеа шаҳарнинг фақат биргина кўчасида содир бўлди. Балки унинг бошқа кўчалари, тинч осойиштадир. Балки у ерларда ҳам мана шундай кўнглингиз воқеалар оз бўлса-да бўлиб тургандир. Сизлар ҳам уни кўрапасизми? Кўрсангиз нега индамаяпсиз!

Назира СОДИҚОВА.

ТошДУ журналистика факультетининг 1 курс студенти.

Пойтахтимизнинг Чилонзор район 4-маданият уйи қошидаги «Ёшлик» миллий чолғу ансамбли ташкил этилганига беш йилдан ошди. Шу давр ичидида ансамбль коллективи республикамизнинг Сирдарё, Қизилқум, Бухоро областларида, шунингдек, Тошкент области районларида бир неча концерт программалари билан иштирок этди. У пойтахтимизда ташкил этилаётган оммавий сайлаларнинг ҳам фаол қатнашчиси.

Ансамбль коллективи ҳали ёш бўлишига қарамай, ўз муҳлисларига эга. Улар орасида студентлар, ишчилар, зиёлилар бор. Ансамбль аъзоларидан Р. Қомиллов, А. Зокиров, Д. Мирзаева, М. Шабеев, М. Нишонов, М. Мўминова томонидан янроқ этилаётган ўзбек лапар, ялалари кўнглина муҳлисларнинг олиқишига сазовор бўлмоқда.

Кенг далаалар узара наво таралмоқда. Навога қўшилган қарсақ садолари, шўх кулгилардан дала шийонида ҳордиқ анжиди аққилитини англаш мумкин. Бу демак «Ёшлик» ансамбли қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурида.

Ёшлик илҳами қалбингизда яна ҳам жўш уриб, парвозингиз бундан ҳам баланд бўлсин. Санъатсевар йигит-қизлар!

Д. ЖАЛОЛОВ.

Сурагда: «Ёшлик» ансамбли иштирокчилари. М. Нуриддинов фотоси.

КИЧКИНТОЙЛАР ОЛАМИДА



● ХИКОЯ ●

КИМ ҲАҚ?

Мен эгизак ака-сингил Ҳасан-Зухра деган болаларни танийман. Улар жуда ақил болалар, бири сал кўринмай қолса, иккинчиси дەرров:

— Ҳасан қани?
Эки:
— Зухра қайда? — деб йўқлаб қолади.

Иккови тенг бўлгани учун овқатни тенг ейишади, ба- раварига уйкуга кетишади. Мактабда бир партада ўтиришади. Бириси бугун баҳо олса, иккинчиси ҳам баҳо олишга ҳаракат қилиб, қўл кўтараверади.

Бирисининг баҳоси сал пастроқ бўлиб қолса, юқори ба- ҳо олгани сира кеккаймай:

— Айб ўзингда, ундай ёз- маслигинг ёки бундай демас- лигинг керак эди. Мама, қа- ра... — дея тушунтиради.

Баҳосини кўтармагунча ик- кови ҳам тинчимайди.

Бу эгизаклар битта олмани тенг бўлиб ейишадиган, бир- бирини ҳурмат қиладиган бо- лалар.

Яқинда иноқ ака-сингиллар бир нарса устида баҳслашиб қолишди. У ҳам бўлса...

Бир кун уларнинг ойиси билан адаси тўйга кетишган

эди, ҳадеганда келишавер- мади. Кеч кириб қоронги туш- ди.

Унгача Ҳасан ҳовлига сув сепди. Зухра уни супуриб, чиннидай қилди. Кейин ака- сингил ўтиришиб, бирга те- левизор кўришди.

Зухра «келишмаяпти-ку», деб дам-бадам эшик томонга қа- раб кўярди. Кейин ўрнидан туриб, ҳовли, ошхона, айвон чироқларини ёқиб келди.

Салдан кейин Ҳасан «ке- лишмаяптимикан» деб эшикка чиқиб, мўралади-да, қайти- шда ҳозиргина ёқилган чи- роқларни ўчириб келди.

— Учирманг, Ҳасан ака, улар- ни мен ёққанман, — деди Зу- хра.

— Чироқни одам бўлса ёқиш керак-да, бўлмасаям ёқа- верадими?

— Ҳозир адам билан ойим келиб қолишади, ёқиб қўйинг! — Ававал келишин. Бекор- дан-бекорга электр кет- казининг нима кераги бор!..

Шундай қилиб иккалаларни чуғурашиб қолишди.

— Сизнингча ким ҳақ, Зу- хра ё Ҳасан?

Ғ. СОБИТХУҲАЕВ.
Тошкент шаҳри.

ТУЛКИ БИЛАН ҚИСҚИЧБАҚА

Бир кун тулки қисқичбақани учратиб:

— Мен билан югуриш ўйнамайсаним, ким тезкор экан, — дея таклиф қилибди.

— Майли, тулкивой, ўйнаганим бўлсин!

— Югуришни бошладик.

Тулкивой энди югурай, деб турган пайтда Қисқичбақа унинг думига илашиб олибди. Тулки маррага етиб келибди, қисқичбақа бўлса думдан ажралмасмиш.

Тулкивой қисқичбақа қаердан келаётган экан, деб ортига қараган экан, у думига маҳкам ёпишиб олган эмиш. Тулкивой думини ликиллатган экан, Қисқичбақа думдан тап этиб тушибди.

— Мен сени бу ерда анчадан бери кутаяпман, — дебди.

Русчадан Зухра ҒАФУРОВА таржимаси.

Бўлган воқеа

ДИЛШОДЖОН бувиси билан бирга опа- си келин бўлиб тушган уйга меҳмонга келди. Опа си хурсанд бўлиб кутиб олди. Айвондаги сўрида етмиш ёшлардаги чол ўтирарди. Ўрнидан турмоқчи бўлган эди, бувиси ўзи келиб кўришди. Чол-аҳвол сў- ради. Чол Дилшоджонни қучоқлаб, пешо- насидан ўпиб қўйди.

Сўрида бироз ўтиришгач, опа си ичка- ри уйга жой ҳозирлаб қўйганини айтиб, уларни таклиф қилди.

Чол ўрнидан қўзғалиб:

— Ўғлим, келишимни олиб бергин, — деди.

Дилшоджон сўри тағида турган қалиш- ни олди-ю, иккинчи пойини тополмади.

— Буважон, биттаси йўқ-ку! — деди ҳай- рон бўлиб.

Чол кулимсиради:

МЕҲМОНГА БОРГАНДА

— Ўзи битта, ўғлим. Шунда Дилшоджон чолнинг бир оғи йўқлигини кўрди.

— Ие, буважон, оёғингиз қани? — ҳая- жонланиб сўради у.

Чол ерда турган бир пой қалишни кий- ди-да, сўрининг ён ёғида суяб қўйил- ган иккита қўлтиқтаёқни олди, таяниб ўр- нидан турди ва:

— Оёғим урушда қолган, ўғлим, — деб жавоб қилди.

Дилшоджоннинг унга раҳми келди. Чол- га қараб:

— Буважон, мен катта бўлсам: урушни йўқ қилиб ташлайман, — деди кўзлари чақнаб.

Нурхон РАИМОВА.

ШИРИН СЎЗЛИ БОЛА

— Ҳой, болакай,
Той болакай,
Шарқираган сой болакай,
Бунча сўзларнинг ширини,
Айтиб берсанг-чи, сирини!
Ё шоколад едингми!
Ё мармелад едингми!
Ёби новот едингми!
Ё каллаканд едингми!

— Ҳой, амаки,
Бой амаки,
Меҳри —
Хотамтой амаки.
Мен сўзладим дилимдан,
Онам берган тилимдан.
— Ҳой, болакай,
Той болакай,
Тилларингга
Мой, болакай!

Сафар БАРНОЕВ.

Людмила БАРБАС

БУЛУТЛАР

Булутлар тоғлар оша,

Қилишарди томоша.

— Пастда нима?

— Йўлакми!

Узоқдаги теракми!

Денгиздаги кемадир

Ёки айтинг нимадир!

Ердан келмагач жавоб,

Бир тўда бўлиб шу топ,

Қовоқларини уйдилар.

Ёмғир бўлиб қўйдилар.

Русчадан Кавсар ТУРДИЕВА

таржимаси.

«ВОЙ, БОШИМ...»

Карим бир кун олмага

Кесак отди.

Бирдан турган жойида

У донг қотди.

Чунки кесак бошига

Тушган эди.

Боши эса олмадай

Шишган эди.

Қўз исмоилов.

ТОПИШМОҚЛАР

Тили йўқ ҳайвон,

Сувда сузар ҳамон

Тарвуз каби дони йўқ,

Ҳаво билан қорни тўқ.

Сенга қараб кўз очар,
Меҳр нуруни сочар,
Аксингиз сақлаб қолар,
Ешлигинг эсга солар.
К. МИРЗАРАСУЛОВА.



Ойижоним, ойижон
Сизни яхши кўраман.

Суратга тушиб олай,
Кейин сўрич сураман.
Х. Мирзақаримов фототюда.

Шу саҳифада материаллари
босилган авторлар қалам ҳа-
қини В. И. Ленин номли совет
болалар фондига — 707 сўтга
ўтказишга бажонидил рози
бўдилар.

ҚИЛИШ —
КИДИРМИШ

Рогаткага Алвар тошни
жойлади



Урмоқ бўлиб қушни
секин пойлади.



Лекин унга арнлар бошлаб
ҳужум.



Бир пасдаёқ бошини
қилишди «хум».
Б. Тожиёв расмлари.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба

23 май

MT I

7.00 «120 минут», 9.05 Футбол шарҳи, 9.35 Охири навбатда. Бадий фильм, 11.00 Янгилар, 11.10 Савҳатчилар клуби, 16.00 Янгилар, 16.10 Қайта қуриш прожектори, 16.20 Хужжатли фильм, 16.40 Рус тили, 17.10 Блюхер ватанида, 17.45 Ф. Шуберт. Ун икки вальс, 18.00 Мен, сен ва биз ҳаммамиз биргаликда, 18.45 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан, 19.30 Мультифильм, 19.40 Америка билан уршувлар, 20.40 Шерият лаҳзалари, 20.45 Америка билан уршувлар, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Бир актёр театри, 23.10 Футбол шарҳи, 23.40 Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика, 9.15 Илмий-оммабоп фильм, 9.35, 10.35. Табиатшунослик, 9.55 Илмий-оммабоп фильм, 10.05 Рус тили, 10.55 Илмий-оммабоп фильм, 11.05 СПТУ ўқувчиларига, 11.35, 12.35. Астрономия, 12.05 Усимилларни химоя қилишнинг биологик усуллари, 13.05 Телевизион хужжатли фильм, 13.25 Ишдаги ишқ. Бадий фильм, 1 ва 2-сериялар, 14.50, 18.35 Янгилар, 18.45 Халқаро панорама, 19.30 Совет Иттифоқида хизмат қилган, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар, 20.45 Бадий гимнастика, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Печкачилар, Телевизион бадий фильм, 23.35 Хужжатли фильмлар, 00.30 Тонгги почта, Музикали кўрсатув.

УзТВ

14.30 Севгиа Утамиз, Бадий фильм, 1 ва 2-сериялар, 16.35 Телефильм, 16.50 Ленин Декрети асосида, 17.30 Табиатшунослик, 18.00 Янгилар, 18.15 Фильм-концерт, 18.25 Курашчан атеизм учун, 18.55 Болалар учун, 19.25 Ёзуви ва замон, 20.00 «Ахборот», 20.20 Хужжатли фильм, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.20 Телефильм, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан, 23.15 Фильм-концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Қорқумда, Бадий фильм, 20.50 Ёшлик студияси кўрсатида, 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Сешанба

24 май

MT I

7.00 «120 минут», 9.05 Футбол, 10.45 Янгилар, 10.55 Бир актёр театри, 11.50 Концерт, 16.00 Янгилар, 16.10 Қайта қуриш прожектори, 16.20 Пенза телевидение студиясининг программаси, 17.15 Концерт, 18.00 Хужжатли фильм, 18.20 Инсон ва қонун, 18.50 Дунё воқеалари, 19.10 Танишинг: Бутунитифок XIX партия конференцияси делегатлари, 19.50 Футбол, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Ёшлар ҳазил, Ёшлар ҳазил, 22.50 Дунё воқеалари, 23.00 Москва—София телекўприги, 00.20 Гандбол, «Тусем» (ГФР—МАСК).

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика, 9.15 Илмий-оммабоп фильм, 9.35, 10.35. Табиатшунослик, 9.55 Илмий-оммабоп фильм, 10.05 Француз тили, 10.55 Илмий-оммабоп фильм, 11.05

СПТУ ўқувчиларига, 11.35, 12.35. География, 12.05 Француз тили, 13.05 Шовуллади ўрмонлар, Бадий фильм, 14.10 Хужжатли фильмлар, 14.45 Янгилар, 14.55 Оқ шаман, Бадий фильм, 1-серия, 18.35 Янгилар, 18.45 Тинчлик велосипеди, 19.15 Музикали киоск, 19.45 16 ёшгача ва ундан катталар, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар, 20.45 Ритмик гимнастика, 21.15 Агар соғлом бўлай десангиз, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Баҳор, Бадий фильм, 24.00 Янгилар.

УзТВ

14.30 Болалар учун фильм, 16.25 Азия, Бадий фильм, 17.30 Совет давлати ва ҳукуқи асослари, 18.00 Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро X Тошкент кинофестивалининг тантанали очилиши, 19.00 Манзарали фильм, 19.30 Социалистик турмуш тарзи, 20.00 «Ахборот», 20.20 Телефильм, 20.30 «Ахборот», 20.50 Тошкент давлат консерваторияси 50 ёшда, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Ассалому фестивал, 23.00 Совет киноси усталари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Тренер, Бадий фильм, 20.50 Телефильм, 21.00 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан, 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Чоршанба

25 май

MT I

7.00 «120 минут», 9.05 Мен, сен ва биз ҳаммамиз биргаликда, 9.50 Печкачилар, Телевизион бадий фильм, 11.10 Янгилар, 11.20 Мўжизасиз мўжизалар, 15.55 Янгилар, 16.05 СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар, 16.15 Озоодлик эришида осон йўл бўлмади, 17.10 Музикали хазина, 18.00 16 ёшгача ва ундан катталар, 18.45 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан, 19.15 Дунё воқеалари, 19.35 Мультифильм, 20.15 Икки кўён ортидан қувиб, Бадий фильм, 21.30 «Время», 22.05 СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар, 22.15 Тинчлик ҳақида диалог, 23.15 Дунё воқеалари, 23.25 В. Астафьев, «Сайқал», Автор ўқийди.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика, 9.15 Илмий-оммабоп фильм, 9.35, 10.35. И. О. Дунаевский музикалари, 10.05, 12.05 Немис тили, 11.05 СПТУ ўқувчиларига, 12.35. Музика, 13.05 Ерқин йўл, Бадий фильм, 14.40 Хужжатли фильмлар, 15.20 Янгилар, 15.30 Оқ шаман, Бадий фильм, 2-серия, 18.35 Янгилар, 18.45 Хайкалтарош Анна Голубкина, 19.45 Концерт, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар, 20.45 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун, 21.15 Агар соғлом бўлай десангиз, 21.30 «Время», 22.05 СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар, 22.15 Синков нигоҳ, Бадий фильм, 23.35 Янгилар, 23.45 Телевизион хужжатли фильм.

УзТВ

14.30 Кинопрограмма, 15.45 Фильм-концерт, 16.15 Дорбозлар, Бадий фильм, 17.30 Илмий-оммабоп программа, 18.00 Янгилар, 18.15 Мактаб ўқувчилари учун, 19.00 Инсон ва қонун туркумидан, 19.30 Кинолаҳза, 19.35 Хужжатли фильм, 20.00 «Ахборот», 20.20 Долзарб вақт, 20.30 «Ахборот», 20.50 Музикали программа, 21.30 «Время», 22.05 СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар, 22.15 Музикали про-

грамма, 23.15 Илҳом. Телефильм, 23.35 Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Телефильм, 20.15 Ўзбекистон спорти, 20.50 Китоб оламиде, 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Пайшанба

26 май

MT I

7.00 «120 минут», 9.05 Концерт, 9.50 Икки кўён ортидан қувиб, Бадий фильм, 11.05 Янгилар, 11.15 Концерт, 16.00 Янгилар, 16.15 СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар, 16.25 Беш йиллик: ишлар ва одамлар, 17.05 Ёшил орол сири, Бадий фильм, 18.15 Рассом устaxonасида, 18.30 Фидойий шахслар, 19.15 Дунё воқеалари, 19.35 Концерт, 20.00 12-қават, 21.30 «Время», 22.05 СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар, 22.15 Эфирда музика, (23.15). Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика, 9.15 Илмий-оммабоп фильм, 9.35. Табиатшунослик, 9.55 Илмий-оммабоп фильм, 10.05 Испан тили, 10.55 Илмий-оммабоп фильм, 11.05 СПТУ ўқувчиларига, 11.35, 12.35. Биология, 12.05 Испан тили, 13.00 Баҳор, Бадий фильм, 14.45 Хужжатли фильм, 15.20 Янгилар, 15.30 Оқ шаман, Бадий фильм, 3-серия, 18.35 Янгилар, 18.45 Хужжатли фильм, 19.00 Ритмик гимнастика, 19.30 Қишлоқ янгиларлари, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт, 21.15 Агар соғлом бўлай десангиз, 21.30 «Время», 22.05 СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар, 22.15 Хужжатли фильм, 00.05 Янгилар.

УзТВ

14.30 Чинор остидаги дуэль, Бадий фильм, 15.45 Ёшлик студияси кўрсатида, 16.15 Хужжатли фильм, 17.30 Ҳужжатли экран, 18.00 Янгилар, 18.15 Мультифильм, 18.25 Болалар учун, 19.00 Хўжасизликка барҳам берайлик, 19.30 Концерт, 20.00 «Ахборот», 20.20 Шерият саҳифалари, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.30 «Время», 22.05 СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар, 22.15 Фестиваль уршувлари, 23.45 Фильм-концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Плушчидаги уч тараф, Бадий фильм, 20.45 Реклам, 20.50 Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши, 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Жума

27 май

MT I

7.00 «120 минут», 9.05 «Фидо шахслар», 9.50 Давлат чегараси, Бадий фильм, 1-ва 2-сериялар, Танафусда — Янгилар, 16.00 Янгилар, 16.10 Қайта қуриш прожектори, 16.20 Озарбайжон телевидениесининг программаси, 17.15 Фан: назария, тажриба, практика, 17.45 Нега ва нима учун? 18.15 Фалсафий суҳбатлар, 19.15 Дунё воқеалари, 19.35 Шерият лаҳзалари, 19.40 Мультифильмлар премьераси, 20.00 БССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Минск областидаги Купицки қишлоқ Маданият уйининг директори В. Н. Гром билан уршув, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қу-

риш прожектори, 22.15 1988 йил қишқлари, 23.55 Интерсигнал, 00.25 Нигоҳ.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика, 9.15 Илмий-оммабоп фильм, 9.35, 10.35. Музика, 10.05 Инглиз тили, 11.05 Тарих, 11.35 Генетика нима? 12.05 Инглиз тили, 12.35 Илмий-оммабоп фильм, 13.00 Синков нигоҳ, Бадий фильм, 14.20 Хужжатли фильм, 14.40 Янгилар, 14.50 Қилич яланғочлаб, Бадий фильм, 18.35 Янгилар, 18.45 Алоҳида эътибордаги зона, Телочерк, 19.00 Савҳатчилар клуби, 20.00 Ҳаракат хавфсизлиги учун, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Оқиқ рояль, Шопен балладалари, 21.15 Агар соғлом бўлай десангиз, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Дўстларимиз экрани, Халлий бахт, Бадий фильм, 23.25 Янгилар.

УзТВ

14.30 Фильм-концерт, 15.45 Хайрли соатда, Бадий фильм, 17.20 XV Республика адабий-лингвистик олимпиадаси, 18.00 Янгилар, 18.15 Ўзбек тилини ўрганамиз, 18.45 Мультифильм, 18.55 Агротранс: тажриба ва муаммолар, 19.30 СССР — АҚШ: диалог давом этади, 20.00 «Ахборот», 20.20 Ёшлик, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.30 «Время», 22.05 Қайта қуриш прожектори, 22.15 Тележурнал, 23.35 Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Пятницкая кўчасидаги қовоқхона, Бадий фильм, 21.00 Замондошларимиз, 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Шанба

28 май

ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ

MT I

7.00 «120 минут», 9.05 Хужжатли фильм, 9.25 Нега ва нима учун? 9.55 Хужжатли фильм, 10.15 Халқ ижодиёти, 10.45 Мультипликацияда Фантастика, 11.05 Апартеид — бу иркчилик, Жанубий Африка республикаси маҳаллий аҳолисининг озодлик ва тенглик учун кураши ҳақида, 11.35 Ёшлик кўйлади ва рақсга тушади, 11.50 Девр ва ўзим ҳақимда, Хайкалтарош В. Епельбаум, Маренко устaxonасида, 12.20 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун, 12.50 Сени севаман, ҳаёт, Фотоконкурс, 12.55 Мўжизасиз мўжизалар, 14.00 Шанба — ота-оналар кuni, 15.30 Дунё воқеалари, 15.50 Концерт, 16.30 Бугун — Чегарачилар кuni, 16.45 Концерт, 17.05 Олий даражадаги Совет — Америка уршувини ҳақида хужжатли фильм, 18.10 Йиллар, авлодлар, қишқлар, 19.20 Давлат чегараси, Бадий фильм, 21.30 «Время», 22.40 Футбол, СССР кубоги, 00.15 Янгилар.

MT II

8.30 Эрталабки гимнастика, 8.45 Студия намойиш этади: Курантлар, 9.25 Танланган асарлар, Э. Хемингуэй, 10.20 Здорье, 11.05 Сенинг ленинча кутубхона, 11.50 Илмий-оммабоп фильм, 12.05 Ҳайвонот оламида, 13.05 Нотавонлар ва консерваторлар, 13.55 Рус маданияти ҳақида суҳбатлар, 14.30 Инсон инстинкти, Биринчи курс, 15.30 Хужжатли фильм, 16.30 Мультифильмлар, 17.10 Ўта муҳим шахс, Бадий фильм, 18.20 Дефектив уйини, Телеспектакль, 19.25 Ҳаракат хавфсизлиги учун, 19.30 Концерт, 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Мэриазий Америкада тинчлик: уямд ва воқелик, 21.05 Киножурнал.

21.15 Болтик денгизи мамлакатлари дўстлик велосипога, 21.30 «Время», Кино ва томошабин, 01.15 Янгилар.

УзТВ

8.00 «Ассалому алайкум», 9.30 Тирклийн қўлга олинсин, Бадий фильм, 10.55 Концерт, 11.30 Спорт шарҳи, 12.30 Инсон ва замин, 13.30 Китоб дўстлари, 14.20 Ҳинд оҳанглари, Музикали программа, 15.20 Ёлга хизмат: талаб ва тақдир, 15.50 Амалдаги интеракционизм, 16.20 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозongan ғалабанинг 43 йиллиги ва Қизил Байроқ ордени Туркистон Ҳарбий округи ташкил топганлигининг 70 йиллигига бағишланган бадий ҳарбий спорт байрами, 17.00 Ҳаракат хавфсизлиги учун, 17.45 Композитор Б. Гиевнинг асари, 18.30 Тенгдош, 19.15 Тилга эътибор, 20.00 «Ахборот», 20.20 Телефильм, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.30 «Время», 22.40 Фестиваль уршувлари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.35 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Якшанба

29 май

ХИМИКЛАР КУНИ

MT I

8.30 Янгилар, 8.45 Ритмик гимнастика, 9.30 Хужжатли фильм, 9.50 Спортлош, 10.00 Бадийлик, 10.30 «Совет Иттифоқида хизмат қилган», 11.30 Тонгги почта, 12.00 Қишлоқ янгиларлари, 12.55 Музикали киоск, 14.05 Илмий-оммабоп фильм, 14.20 Букиройчук, Мультифильм, 15.55 Концерт, 16.55 Янгилар, 17.25 Классик куй шинавандаларига, 18.30 Мультифильм, 19.30 Мен асра, туморим, Бадий фильм, 20.45 Эстрада концерти, 21.30 «Время», 22.05 Евровидениенинг қишқлар конкурси, Танафус пайтида (23.10) — Янгилар.

MT II

8.30 Зарядкага сафлангил! 8.45 Сиз яратган бoғ, 9.20 Оламга савҳат, 10.20 Портретлар, М. Ю. Лермонтов, 11.20 Иқтисодий билимлар асослари, 11.50 Юлдузча, 12.45 Уқитувчи дарсига, В. Х. Шаталов сабоқлари, 13.15 Илмий-оммабоп фильмлар, 13.55 Ажойиб кишилар ҳаёти, Владимир Михайлович Бектеев, 14.25 А. Арбузов, Голублар, Телеспектакль, 16.35 Олам кинокомедия кўзгусида, 17.30 Қўғирчоқ театри олами, 18.20 Хужжатли фильм, 18.50 Концерт, 19.20 Хужжатли фильм, 19.40 Телевизион музикали абонемент, Танафус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.30 «Время», 22.05 Ўрдақлар учун тузоқ, Бадий фильм, 23.30 Болтик денгизи мамлакатлари дўстлик велосипога, 23.45 Янгилар.

УзТВ

8.00 Ассалому алайкум, 9.25 Келин, Бадий фильм, 11.00 Фильм-концерт, 11.30 Спорт программаси, 12.30 Санъат олами, Л. Салимжонов ижоди ҳақида, 13.00 Дўстлик экрани, 14.00 Гул байрами — нур байрами, 16.10 Реклам, 16.25 Ёшлик, 17.20 Музика истисқоби эгалари, 18.00 Концерт, 19.15 Бардам бўлинг, 20.00 «Ахборот», 20.20 Телефильм, 20.30 «Ахборот», 20.50 Концерт, 21.30 «Время», 22.05 Ижод саҳифалари, Шўҳрат, 23.10 Телефильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.45 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Бадиий ҳаваскорлик коллективларида



ТОШКЕНТИКЛАР ОЛДИНДА

✦ УСМИРЛАР ўртасида республика II спорт ўйинлари давом этмоқда. Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида ўтказилган чавадозлик мусобақалари натижаси етди. Пойтахт спортчилари команда ҳисобида биринчи бўлишди.

Программага киритилган 35 турнинг 29 тасига якуни ясалди. Тошкент шаҳар спортчилари 961 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Фарғона области вакилларида иккинчи очко ўзган ва 729 очко тўплаган пойтахт области спортчилари иккинчи ўринга чиқшди. Тошкентда спорт ўйинлари программаси асосида бадминтон, Бекбобда сменда отиш мусобақалари давом этмоқда.

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР

✦ ГОРОДКИ бўйича Урта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Озарбайжон спортчилари иштирокида Навоий шаҳрида навбатдаги анъанавий турнир давом этмоқда. Олмалиқлик Михаил Волосенков 90 фигура учун 134 таёқча сарфлаб шахсий ҳисобда голлиб келди.

ПЕШКАДАМ ЎЗГАРДИ

✦ МАМАЛАКАТ чемпионати иккинчи лига еттинчи зона қатнашчилари ўртасидаги навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Ҳалқободнинг «Соҳибдор» футболчилари ўз майдонларида Самарқанднинг «Динамо» коллективини ҳабул қилиб 1:0 ҳисобида устун келди. 11 тага етказиб жадавалда учинчи ўринга чиқиб олишди. Тошкентнинг «Трактор» футболчилари Ашхобод шаҳрида «Колхозчи» меҳмони бўлиб, 1:0 ҳисобида голлиб келишди. Олмалиқнинг «Металлург» футболчилари эса Нахичеванда «Ораз» клуби меҳмони бўлиб, 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. 10 турдан сўнг Фарғонанинг «Нефтчи» командаси 14 очко билан пешқадам бўлди.

ОНАЛАР КУЙЛАСА ОЛАМ ЯШАРАР

«ГУЛЁР» АНСАМБЛИ 10 ЁШДА

1978 йилда Лазоқат Нуримова ташаббуси билан Бўстонлик район маданият уйи қошида областимиздаги эмас, балки республикамизда номи танилган «Гулёр» ансамблига асос солинган эди. Онахонлардан Тилла Орипова, Ҳасима Абдурахмонова, Лазоқат онани қўллаб-қувватлашди. Улар ўз санъатларини ҳамқишлоқлари — колхозчилар, чорводорлар орасида намойиш эта бошлашди.

— Ҳалқимизнинг маънавияти жуда бой, — дейди олтинчи беш йили онахон, ансамблининг раҳбари Л. Нуримова, — Шу маънавиятнинг муҳим бир қирраси бўлган қадимий қўшиқларга мурожаат қилганимизнинг боиси шунки, кейинги йилларда бу қўшиқларга эътибор бироз сусайган эди.

Л. Нуримова район маданият уйида директор бўлиб иш бошлаган кунданок ҳалқ оғзаки ижодидан пухта хабардор бўлган кекса онахонларни тўпашга ҳаракат қилди. Унинг меҳнатлари зое кетмади, ҳалқ истеъодларининг аҳил бир уюшмаси ташкил топди.

Ўз меҳнат фаолиятини дастлаб тракторчилардан бошлаган Л. Нуримова ишлагандек

ҳалқ оғзаки ижодига меҳр қўйган эди. Шу меҳр тўғрисида кейинчалик Тошкент Давлат маданият институтида сирдан ўқиб, ҳалқ оғзаки ижодиёти сирларини кўнгил билан ўрганди. Фольклор жанрини жонлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Л. Нуримова ташаббуси билан бошланган иш хайрли бўлди. 1979 йилда уларнинг сафи 6 тага етди.

Улар ҳалқимиз учун азиздан севимли бўлган «Гулёр», «Эй-наган ёр», «Жоним Зайдинжон», «Асра, қизил гулли», «Омон-ёр» каби қўшиқ ва лапарларни маромига етказиб қўйлаб бошлади. 1983 йилда ансамблга «Гулёр» деб ном берилди. Коллектив областимизнинг турли бурчақларида ишчилар, колхозчилар, чорводорлар ҳузурида концертлар беришди. Йилдан-йилга ўз репертуарларини бойитишди, ансамбль аъзолари ҳам кўпайди.

Бўстонлик районда бошланган бу ташаббуснинг натижаси ўлароқ республикамизда ҳозирги кунда 250 дан ортиқ фольклор этнографик ансамбллари фаолият кўрсатмоқда. Ҳалқ орасидан етишиб чиққан бу истеъодли онахонлар ўз оиласида меҳрибон она ва бу-

вилардир. Уларнинг энг ёши ҳам элликни уриб қўйган. Ансамблининг Ҳаси Раҳмонова, Маъмур Ориқова, Тўхта Ҳасанова, Ҳасима Мирсолиқова каби қатнашчилари энг фаоллардан ҳисобланади.

Ўтган йил октябрь ойида республика маданият министрига қарор билан «Гулёр»га ҳалқ ансамбли номи берилганлиги коллективнинг ғайратига-тайрат қўшди. Улар ҳалқ дурдоналари — қўшиқларига янгича сайқал бериб, ҳалқнинг эътиборига сазовор бўлмоқда. Бир неча бор бўлиб ўтган област, республика ҳалқ ижодиёти кўрник конкурсларида қатнашиб, юқори ўринларни эгаллади.

Яқинда «Гулёр» фольклор ҳалқ ансамбли ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Мана шу қисқа давр ичида у ҳалқимизнинг назарига тушди. Биз ишонамизки, Лазоқат Нуримова етакчилик қилаётган коллектив ўзининг ажойиб рақс, қўшиқ, лапарлари билан ҳали кўп марта муҳлисларини ҳушнуд қилади.

А. АЗИМОВ.

СУРАТДА: «Гулёр» бадий ҳаваскорлари саҳнада.

Г. Ханов фотоси.

ЯНГИ КООПЕРАТИВЛАР

ТЕЗ, СИФАТЛИ ВА АРЗОН

Пойтахтимизнинг Шота Руставели кўчасида яна бир янги кооператив иш бошлади. В. В. Шинкаренко раислик қилаётган ва «Сегмент» деб номланган ушбу кооперативга 15 нафар юқори маалакли механиклар бирлашган. Бу ерда «Оптика», «Ятрань», «Олимпия», «Лисен-

ца», «Украина», «Роботрон» каби маркадаги ёзув машиналари ремонт қилинади. Кооперативда ташкилот ва корхоналар билан бир қаторда граждандарнинг шахсий машиналарини тузатиш учун ҳам буюртмалар олинади.

Шуниси диққатга сазовор.

ки, кооператив аъзолари буюртмаларини давлат корхоналарига нисбатан икки баравар тез, сифатли ва арзон нархда бажаришмоқда.

Келгусида кооператив аъзолари яроқсиз ҳолга келган ёзув машиналарини аҳолидан сотиб олиб, уларни тузатиш ҳамда арзон баҳода сотишни ҳам режалаштиришган.

А. ҲАКИМОВ.



Ўрмон

кушандаси

✦ Апрель ойининг ўрталаридан бошлаб бутун Норвегияда ўрмон жойларда олов ёқиш қатъий ман қилинади. Табиатга ўнглаб бўлмас зарар етказадиган кўплаб ёнғинлар сабабли ана шундай оқилона қарорга келинди. Ҳар йили бу мамлакатда 300 дан то 2000 тагача ёнғин чиқади. Уларини ўчириш учун миллионлаб крон сарфланмоқда. 1982 йилдаги сўнгги пайтлардаги ёнғинларнинг энг каттаси бўлиб, ўшанда Норвегия жами 7,2 миллион крон зарар кўрган.

Ёнотларга

қарши жанг

✦ Сўнгги ўн йилликда Швейцария ўрмонларида ёнотлар (кўриниши айиққа ўхшаш, сермўйна кичик ҳайвон) тобора кўпайиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича улар ГФРдан кўчиб ўтган деб ҳисобланмоқда. Ҳозирча улар унча кўп эмас. Лекин ҳолатдан ҳукумат аъзолари ташвишга тушиб қолмоқда. Овчилар ва зоологлар жиддий бонг уриб бу келгинди ҳайвонларга қарши ҳақиқий «жанг» бошлашмоқчи.

Ёнот қутилмаган «меҳмон» дейишмоқда улар. У жуда ҳам очкўз бўлиб, сони ҳисобга олиб бўрилмаса, ўнглаб бўлмас оқибатларга олиб келади. Шунинг учун Швейцарияда шу йилнинг апрелидан бошлаб бу ҳайвонни ечланмаган микдорда овлаш мумкин.

Энг

кичик дарё

✦ Американин Грейт-Фолс (Монтана штати) шаҳри Линкольн номли мактабдаги 5-синф ўқувчиларининг ҳаракати билан яқин атрофдаги Роу деган дарёча 1989 йили «Гиннеснинг» рекордлар китобига расмий равишда таъхондаги энг кичик дарё сифатида киритилган бўлди. Бу дарёчининг узунлиги 80 метр экан, холос.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маданият министри
М. Қориевнинг номидаги Ўзбек давлат
Концерт-филармонияси бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДўСТЛИГИ
САРОИИДА
4 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА

Ҳамза номидаги республика давлат ва Ўзбекистон
Ленин комсомол мукофотларининг лауреати, шонр

Абдулла ОРИПОВ,

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Аҳмаджон ШУКУРОВ

«ЗАРАФШОН» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК
АНСАМБЛИ ИШТИРОКИДА
НАЗМ ВА НАВО КЕЧАСИ
ЎТҚАЗИЛАДИ.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида
соат 14.00 дан сотилади.

Реклама ва эълонлар

ТҮЙЛАР МУБОРАК!

Тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонавий репертуарга эга бўлган

АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОИИ

«САМО» АНСАМБЛИ

БАХТ ВА ШОДЛИК ОҚШОМИНИ КўНГИЛДАГИДЕК
ЎТҚАЗИШДА ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР

Ансамбли кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага
таклиф қилишингиз мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 17.00 дан Маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.
Бизнинг адрес: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 151, 154, 164-автотўрлар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати, метрода «Чкалов» станциясига борилади).